
АЛОҲИДА ТОИФАЛИ ЁШЛАРГА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ГАРОВСИЗ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛАДИ

[«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари» га кирган оилалар фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари» даги ёшларга турмуш қураётганида ўз хонадонидан қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз 30 млн сўмгача кредитлар берилади. Ҳукумат қарори билан кредит ажратишнинг тартиби белгилаб берилди.](#)

Вазирлар Маҳкамасининг 12 октябрдаги қарори [637-сон] билан «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонидан қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Унга кўра, кредитлар ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда берилади.

Бунда «Саховат ва кўмак», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» жамғармалари кафиллиги ҳам талаб этилади. Кафиллик берилганлиги учун тўлов (мукофот пули) ундирилмайди.

Кредитга даъвогарлар:

- 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган;
- янги (иккала томон учун биринчи маротаба) турмуш қурган;
- илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредити олмаган бўлиши керак.

Шунга кўра, ёшларнинг алоҳида тоифаларига кредитлар:

- бозор ставкасида миқдор хоҳишига кўра 6 ой имтиёзли давр билан;
- 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга;
- бошланғич бадали якка тартибдаги хонадонда қўшимча қурилаётган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;
- бир қарз олувчига 33 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда берилади.

Тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан сўнг банк 3 иш кунида ариза берувчига кредит бериш масаласини кўриб чиқади. Ариза қаноатлантирилса улар билан кредит шартномаси имзоланади.

2021-10-15 18:53:24